O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB...
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 3 июль, № 130 (4540) Пайшанба

## ТИББИЁТИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

***Президентимиз Фармонига биноан, беш йил муқаддам юртимизда Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази ташкил этилган эди. Қисқа вақт ичида бу муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволаш масканини энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масаласи тўлиқ ҳал этилди. Шу тариқа, мамлакатимизда Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб, 8 та ихтисослаштирилган бўлимдан иборат клиника самарали фаолият юрита бошлади.***

**Ислоҳот**

Ўн тўрт йилдирки, Мажидбек юрак хасталигидан азият чекарди. Аҳволи оғирлашавергач, яқинлари беморни хорижда даволатишга қарор қилишди. Аммо Мажидбек кўнмади. Кўксидаги бир парча жон нотекис ишлаётган, меъёридан тез уриб, уни азоблаётган бўлса-да, аллақандай умидбахш куч сабаб оғриққа дош берарди.

— Бу умид мени даволаётган шифокорларнинг ширин сўзи, соғайишимга бўлган ишончлари туфайли эди, — дейди Мажидбек Ханжаров. — Шу ишонч мадад бериб жарроҳлик столига ётдим. Тиғсиз йўл билан, кўкрак қафасимни очмасдан туриб, мени юрак аритмиясидан халос қилишди. Кўриб турганингиздек, хорижга бориб даволанишга оёғим тортмагани бежиз эмас экан. Барака топишсин, қўллари дард кўрмасин, дейман. Ахир бегона юртда миллионлаб маблағ эвазига қилинадиган шундай нозик, ноёб ва мураккаб давони ўзимизнинг мутахассислар бепул амалга оширишди. Мана, операциядан чиққанимга ҳам бир ойдан ошди. Ўзимни анча тетик ҳис этяпман.

(Давоми 4-бетда).



***Юртимизнинг Теҳрондаги элчихонасида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

## ЭЛЧИХОНАДА БРИФИНГ

Учрашувда Эроннинг расмий, илмий-тадқиқот, таҳлилий, ишбилармон доиралари вакиллари, дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишга, аввало, тизимли бозор ислоҳотларини изчил равишда ҳаётга татбиқ этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизациялаш ва янгилаш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги тармоқлар ва корхоналарни бунёд этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали эришилди.

**Биз ва жаҳон**

Иштирокчилар эътиборига, шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилишига доир маълумотлар тақдим этилди. Ўзбекистон ёшлари ўз салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиши учун уларга барча шарт-шароитлар яратилаётгани, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига катта эътибор қаратилаётгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар алмашуви чоғида халқаро эксперт, Теҳрон университети ўқитувчиси, доктор Баҳром Амираҳмадиён қуйидагиларни таъкидлади: «Ўзбекистонга сафарларим чоғида мамлакат раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари аҳоли томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганининг гувоҳи бўлдим. Бу эса жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кузатилаётган янгиланишларнинг муваффақияти гаровидир».

Олим, шунингдек, мамлакат саноат тармоғининг фаоллашаётгани хорижий давлатларга экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини оширишга имкон яратаётганига эътибор қаратди.

«Ўзбекистонда амалга оширилаётган узоқни кўзловчи оқилона сиёсат туфайли мамлакат ўз ташқи иқтисодий фаолиятида ижобий сальдога эришгани ҳолда олтин-валюта захираларининг ҳажми ошиб бормоқда, халқнинг фаровонлиги юксаляпти», — деди Б. Амираҳмадиён.

Анжуманда сўзга чиққан Макроиқтисодиёт бўйича консалтинг гуруҳи президенти М. Хошгу Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичларини юқори баҳолаб, мамлакат эришаётган жадал ўсиш суръати кўпчилик давлатларда кузатилмаётганига эътибор қаратди.

М. Хошгунинг фикрига кўра, «иқтисодиётнинг барқарор ўсиши углеводород хомашёси қазиб олишни кўпайтириш ёки бошқа экстенсив омиллар ҳисобига эмас, балки бозор ислоҳотларини изчил равишда ҳаётга татбиқ этиш, сармояларни кенг жалб қилиш ва ишлаб чиқариш тузилмаларини модернизациялаш, шунингдек, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланаётганини эътиборга лойиқдир».

Учрашув чоғида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва Ёшлар йилига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Эроннинг инглиз тилида чоп этиладиган «Tehran Times» ва «Iran News» каби етакчи нашрларида Ўзбекистон элчихонасида бўлиб ўтган брифингга бағишланган мақолалар эълон қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Теҳрон.

**Эътироф**

*Сеулдаги «ИНСА» санъат марказида «Ассалом, Ўзбекистон!» фотокўргазмаси очилди. Тадбир «Визуал лойиҳалар институти» нодавлат ташкилоти томонидан Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ҳамда Маданият, спорт ва сайёҳлик вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

## Ўзбекистон кореялик фоторассомлар нигоҳида

Кўргазмада турли йилларда Ўзбекистонда бўлиб қайтган кореялик фоторассомларнинг 150 дан зиёд ижодий иши намойиш этилди.

«Визуал лойиҳалар институти» директори Хам Чол кўргазмани очар экан, Ўзбекистонга илк бор 1996 йилда ташриф буюрганини ёдга олди.

«Айнан ўшанда мен тақдир тақозоси билан Ўзбекистон заминига келиб қолган корейслар тарихи билан танишишга муваффақ бўлгандим. Ватандошларимизни қабул қилган ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиққўнгиллиги ва бағрикенглиги мени чуқур ҳаяжонга солди. Бу миннатдорлик туйғуси қалбимда ўзбек халқи олдидаги маънавий қарзимизни узиш, ватандошларимизга нисбатан кўрсатилган улкан меҳр ва самимият учун яна бир бор ташаккур билдиришга ундади», — деди у.

Шу аснода институтнинг сураткашлар гуруҳи томонидан Жанубий Корея жамоатчилигини Ўзбекистон халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари, бой маданияти, кўҳна меъморий ва тарихий ёдгорликлари билан яқиндан таништиришни мақсад қилган фотокўргазмани ташкил этиш борасидаги лойиҳа амалга оширилди.

Тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари кўргазманинг ўтказилиши ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Хам Чолнинг айтишича, институт мазкур лойиҳани келгусида ҳам давом эттириш ниятида.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул.

## БУНЁДКОР ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

***Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда икки йилдан буён "Бунёдкор ёшлар меҳнат отрядлари" лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Бундан кўзланган мақсад талабаларнинг ёзги таътили мазмунли ўтишига ва ўзининг назарий билимини амалиёт билан мустаҳкамлашига кўмаклашиш, келажак эгаларини миллий қадриятларимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, жорий йилдан бошлаб мазкур лойиҳанинг кўлами янада кенгаяди. Эндиликда нафақат талабалар, балки 18-30 ёшдаги ҳар бир йигит-қиз бу жараёнда иштирок этиши мумкин. Бунинг учун ёшларимиз "Камолот"нинг жойлардаги вилоят, туман, шаҳар бўлимлари ва бошланғич ташкилотларига мурожаат қилиб, мавсумий ишга жойлашиш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу фаолият мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа тегишли тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бунёдкор ёшларнинг жорий йилдаги иш мавсуми апрель ойидаёқ бошланган. Улар қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, педагогика соҳаларида иш олиб бормоқда. Жумладан, қарийб икки минг нафар йигит-қизни бирлаштирган ўттиз бешта меҳнат отряди мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш оилалар учун барпо этилаётган уй-жойлар қурилишига жалб этилган.

**2008 йил — Ёшлар йили**

Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида эса ўқув йилини муваффақиятли якунлаб, ёзги таътилга чиққан талабаларга ўз соҳаси бўйича амалий кўникмаларини янада ошириш ва дам олиш мавсумини оқилона ташкил этишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида коллежлар қурилишида, Сирдарё, Бухоро, Хоразм ва Фарғона вилоятларидаги йўл қурилиши ишларида фаолият юритадиган дастлабки ана шундай талабалар меҳнат жамоалари шакллантирилмоқда. Бу йилги мавсумда ушбу лойиҳа доирасида ўн минг нафардан ортиқ талаба қамраб олиниши режалаштирилган.

Ана шундай ёшлардан тузилган дастлабки гуруҳ – Тошкент ахборот технологиялари университетининг юз нафар талабаси Қашқадарё вилоятида фаолият юритадиган бўлди. Улар мамлакатимизда барпо этилаётган йирик алоқа тармоқларидан бири – Чироқчи-Яккабоғ телекоммуникация боғламаси қурилишида етакчи мутахассислар билан бир сафда туриб меҳнат қиладилар.

Тошкент «Жанубий» темир йўл вокзалида навқирон бунёдкорларни кузатишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С. Қосимов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раиси ўринбосари Б. Туропов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улғайиб келаётган авлодни етук ва

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



**Андижон вилоятида «Ҳакамлик судлари ва низоларни ҳал этишнинг бошқа муқобил усуллари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

### Ҳакамлик судларига бағишланди

Мазкур тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигидаги "Ўзбекистон Республикасида низоларни ҳал этиш учун ҳакамлик судлари ва бошқа муқобил усулларни ривожлантиришга кўмак" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

— Айтиш жоизки, шундай мазмундаги семинарлар бундан аввал Наманган, Термиз, Қарши ва Тошкент шаҳарларида молия ва бизнес ташкилотларнинг ҳуқуқшунослари ўртасида ҳам ўтказилган эди, — дейди БМТРДнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакили Анвар Умаров. — Семинарда ҳакамлар ва воситачиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳакамлик судларини тадбиркорлар ва ҳуқуқшунослар орасида тарғиб этиш масалалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, йиғин қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошидаги ҳакамлик судларининг фаолияти билан ҳам танишдилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Юртимизда 35 тадан ортиқ мармар конлари бўлиб, улар ичида Ғозғонники ўзининг ранг-баранглиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради.**

### Мармартош жилоси

Ҳозирда Нурота шаҳри ва Ғозғон қўрғонида фаолият кўрсатаётган 260 дан зиёд кичик корхоналарда ана шундай сифатли мармардан йилига 1-1,2 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрланаяпти.

— Мармарни қайта ишлаш, айниқса, кейинги йилларда ривожланди, — дейди тадбиркор Абдурайим Ҳусанов. — Биргина Нурота туманида уч минг нафар киши мана шу иш билан шуғулланмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Истеъдодлилар баҳси

***Наманган вилоятида "Ниҳол — 2008" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

Унда эстрада йўналиши бўйича Одил Ёқубов, мусиқа ижрочилиги номинациясида Аброр Раҳимов, мумтоз қўшиқчилик йўналиши бўйича Шавкат Эргашев, опера йўналишида Зулфия Газизова, рақс бўйича Нигора Хўжаеваларнинг ижрочилик маҳорати юқори баҳоланди. Ғолиблар танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

**Ҳусан БУРХОНОВ.**

***Самарқанд саноатчилар уюшмаси ташаббуси билан вилоятдаги саноат, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида «Қадимий шаҳар танлови-2008» кўрик-танлови ўтказилди.***



### Ғолиб корхоналар

Унда вилоятдаги 40 дан зиёд йирик корхоналар 12 та йўналиш бўйича беллашдилар.

Тадбир якунида сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган, корпоратив бошқарувни яхши йўлга қўйган ҳамда маҳаллийлаштириш борасида юқори натижага эришаётган «Бахт» хусусий корхонаси, «Агробраво» масъулияти чекланган жамияти, «Эл-холдинг» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Стеклопластик» акциядорлик жамияти, «ALJ Samarkand» концерни жамоалари ғолиб, деб топилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мустақиллик — эркин ва фаровон келажагимиз гарови

## СЕРМАЗМУН УЧРАШУВЛАР

***Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги қарори асосида Фарғона вилоятида ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.***

Айни пайтда барча шаҳар ва туманларда «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» шиори остида маданий-маънавий тадбирлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар истиқлолнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилмоқда.

— Олимлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат арбобларидан иборат ижодий гуруҳ жойларда ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқда, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилояти бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов. — Ана шундай учрашувлардан бири Фарғона шаҳридаги санъат коллежида ташкил этилди. Ёшлар билан самимий суҳбат чоғида халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли, қисқа даврда барча жабҳада эришилган улкан ютуқлар, ёш авлодни миллий истиқлол руҳида, ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида сўз борди.

Шоирлар Ватан, истиқлол ҳақидаги шеърларни ўқидилар. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Бундай учрашувлар Олтиариқ, Тошлоқ ва Фарғона туманларида ҳам бўлиб ўтди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Спорт • Sport • Спорт

*Жорий йилнинг сентябрь ойида миллий қадриятимиз — курашнинг халқаро спорт тури сифатида эътироф этилганига ўн йил тўлади.*

## ИСТАМБУЛДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Ушбу санага дунё бўйича тайёргарлик қизғин кечмоқда, десак муболаға бўлмайди. Куни кеча Туркияда якунланган "Босфорус" анъанавий халқаро турнири ҳам курашнинг ўн йиллик тантаналарига бағишланди.

Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, халқаро мусобақада Греция, Молдова, Украина, Венгрия, Туркия, Озарбойжон, Эрон, Ироқ, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон каби дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган полвонлар гиламга чиқдилар.

Мусобақа якунида эркаклар ўртасида Олим Равшанов (Ўзбекистон), Гасеминез Ҳамид (Эрон), Руслан Алиев (Озарбойжон)лар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Мутлақ вазнда яна бир Озарбойжон курашчиси Ферит Бобоев шоҳсупадан жой олди. Аёллар ўртасида Туркия курашчилари Самат Айнур, Сулибе Демиралай ва Назмие Йилмазлар ғолиб бўлишди.

## Велосипедда дунё бўйлаб

*Икки нафар Германия фуқароси — Хартмут Богель ва Тобиас Пекин Олимпиадасига ўзига хос совға ҳозирлашди.*

*Улар Олимпиада ўйинлари ватани — Грециядан Пекингача бўлган 14 минг километрлик масофани велосипедда босиб ўтишди, деб хабар беради "Associated Press" агентлиги.*

*Туркия, Эрон, Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон мамлакатлари ҳудудини босиб ўтган йўловчилар 80 кун деганида Пекин шаҳрига етиб келишди.*



## Йўлланмалар яна биттага кўпайди

Ўзбекистонлик спортчиларнинг Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари сони яна биттага кўпайди.

Куни кеча Беларусда сузиш бўйича якунланган мамлакат очиқ чемпионатида ҳамюртимиз Иван Демяненко йўлланма соҳибига айланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## 142 миллион сўмлик спорт зали

***Бойсун туманидаги 47-мактаб ўқувчиларига «Дилдора-Жавоҳир» хусусий қурилиш ташкилоти бунёдкорлари ажойиб совға ҳозирлашди.***

Мактабда умумий қиймати 142 миллион сўмлик спорт зали фойдаланишга топширилди.

Сайхунобод туманидаги маданият саройи эса ҳомийлар кўмагида қайта таъмирланиб, 28-мактаб спорт залига айлантирилди. Бу мақсад учун 110 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, мактаб спортчилари учун 14 миллион сўмлик турли анжомлар харид қилинди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИББИЁТИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажидбек сингари хастадиллар дардига даво топилганлиги худди мўъжизадек, кишини лол қолдиради. Ҳали ҳаётнинг ширин орзуларидан умид узмаган, мудом яшашга талпинган бемажол вужудни меҳри, ўзига бўлган ишончи ва билими ёрдамида асраб қололган шифокорларимиз эришган бу муваффақият, чиндан-да, ҳайратланарли. Зеро, бу Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиётининг жаҳон андозалари даражасида юксак шарт-шароит ва имкониятлар билан таъминланганлиги натижасидир.

— Марказимизда муқим шароитда йилига олти ярим минг нафардан зиёд бемор даволанади, — дейди Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази директори, профессор Р. Қурбонов. — Маслаҳат поликлиникасида эса 30 мингдан кўпроқ бемор касалликнинг илк босқичларидаёқ, дарддан фориғ бўлиш йўлларидан воқиф этилади. Ўн нафар фан доктори, 30 нафардан зиёд фан номзоди бу ерда ўз тажрибаси ва маҳоратини ишга солиб, беморларга ғамхўрлик қилмоқда. Малакали мутахассисларимиз юрак қон-томир тизими касалликларининг асосийларидан ҳисобланмиш артериал гипертония, юрак ишемик хасталиги, қон айланиши етишмовчилиги, юрак аритмияси ҳамда ушбу касалликларнинг асоратларини даволаш, ташхис қўйиш ва олдини олиш йўлида самарали изланишлар олиб боришаяпти.

Даволаш муассасасининг хориж илмий марказлари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйганлиги туфайли юксак натижаларга эришилди. Хусусан, Марказий Осиёда биринчи бўлиб, юрак аритмияси билан оғриган беморларни тиғсиз жарроҳлик йўли билан дарддан халос этиш усули ана шу ҳамкорлик натижасидир. Марказ илмий ходимларининг ўтган йили Россия Фанлар академиясининг Сибирь филиалига қарашли Томскдаги Кардиология илмий-текшириш институти билан тузган шартномасига мувофиқ, замонавий кардиология соҳасидаги энг юксак тажрибалар ўзлаштирилди. Бундан бир ой муқаддам эса юртимиз жарроҳлари мазкур хасталикни тиғсиз жарроҳлик йўли билан, яъни "аблация" усулида даволашди.



Шифокорлар яхши билишади, бундай мураккаб амалиёт жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатларидагина мумкин. Негаки, аблация усули ўта юқори технология, қимматбаҳо асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус жарроҳлик хонаси ва бошқа юксак даражадаги шарт-шароитларни талаб этади. Телетасвир мосламаларига эга "РТС-612М" рентген аппарати, ЭЛКАРТ II комплекси ва унинг қимматбаҳо ишчи қисмлари шулар жумласидандир.

— Аблация амалиёти марказимиз раҳбарининг назорати остида ўтказилди, — дейди Кардиология марказининг катта илмий ходими Баҳром Жалолов. — Натижада, ҳамкасбим, марказимизнинг кичик илмий ходими Ойбек Салаев билан биргаликда ингичка найчани беморнинг сон қисмидаги томирлар орқали юрак бўлимларига юбориб, аритмияга сабаб бўлган омилни аниқладик ҳамда уни радиотўлқинли ток ёрдамида бартараф этдик. Қизиғи шундаки, бу жараёнлар телерентген мосламалар ёрдамида махсус экранга узатилиб, у орқали кузатув асносида амалга оширилади. Илк амалиёт юртимиздаги шундай хасталикка чалинган 5 нафар беморда қўлланилди. Операциядан сўнг бир ойдан кўпроқ вақт ўтди, шукрки, беморларимиз аҳволи кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Маълумотларга қараганда, жаҳон бўйича юрак безовталаниши туфайли шифокорга мурожаат қиладиган беморларнинг ҳар учинчисида юрак аритмияси аниқланади. Бу оғир касаллик эса артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, хусусан, ўткир инфаркт миокарди боис келиб чиқади. Бундан ташқари, юрак етишмовчилиги ҳам кўп ҳолларда ана шу хасталикка боғлиқдир.

Юртимизда бу борадаги аниқ ташхислаш, аритмия ва бошқа касалликларнинг олдини олиш масаласи кенг кўламли илмий изланишлар сабаб ўз ечимини топаётир. Масалан, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида инфаркт миокарди туфайли стационарда юз берувчи ўлим ҳолати 3 баробарга камайганлиги кузатилди. Аҳоли орасида эса артериал гипертонияни даволатиш учун шифокорга ўз вақтида мурожаат қиладиганлар сони 8 фоиздан 15-16 фоизга ортди.

Бугунги кунда мутахассисларимиз томонидан артериал гипертониянинг юртимиз шароитига хос ҳамда генетик жиҳатлари, сабаблари чуқур ўрганилмоқда. Шу боис, мазкур касалликнинг асоратларини бартараф этиш, хусусан, унинг асаб тизимига таъсирининг олдини олишда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган қанотли иборани кардиология соҳасида оламшумул натижага эришган мутахассисларимиз фаолиятига ҳам татбиқ этишимиз мумкин. Шунга қарамай, мутахассисларимиз изланишдан, тажриба ва таҳлиллардан тўхташаётгани йўқ. Зотан, мамлакатимиз раҳбари бошчилигида яратилаётган имкониятлар, юртимизда инсон саломатлигини асрашга бўлган эътибор ва чексиз ғамхўрлик оқ халатли халоскорларни ана шундай фидойиликка ундамоқда.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** мазкур клиника фаолиятидан лавҳалар.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**




## Миллат саломатлиги бебаҳодир

***Куни кеча "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "Туркистон" саройининг ёзги мажмуасида катта фестиваль бўлиб ўтди.***

▼ Тадбир

"Гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" мавзуида ўтказилган ушбу тадбир улғайиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш, уларни салбий иллатлар таъсиридан асраш ва санъат, спорт, ижодкорликка жалб этишга қаратилди. Танловда санъаткорлик, сураткашлик ва видеороликлар устида аъло даражада иш олиб борган ҳамда гўзал ижод намуналари яратган иштирокчилар тақдирландилар.

— Бугун гиёҳвандлик, ОИТС ва кашандалик каби иллатларга қарши кураш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, огоҳликка даъват этишга барчамиз бирдек масъулмиз, — дейди самарқандлик фестиваль ғолиби Зарина Аҳмедова. — Зеро, ёшлари ҳар томонлама соғлом ва бақувват тарбия топган юртнинг эртаси бундан-да нурафшон бўлиши, шубҳасиздир.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

* * *

***Жиззах шаҳридаги Мустақиллик майдонида «Гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», деб номланган ёшлар форуми ўтказилди.***

«Ёшлар йили» давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда Жиззах шаҳридаги олий таълим муассасалари талабалари, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларининг минглаб ўқувчилари иштирок этишди.

Форум доирасида «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» мавзуида чизилган расмлар кўрик-танлови ҳам уюштирилди. Ғолиблар вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши совринлари билан тақдирландилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к.,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7